


TILNING LEKSIK-SEMANTIK TIZIMI,
QIYOSIY TIPOLOGIK IZLANISHLAR
VA ADABIYOTSHUNOSLIK
MUAMMOLARI

**MATERIALLAR
TO'PLAMI
XIV**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI

**TILNING LEKSIK-SEMANTIK TIZIMI, QIYOSIY
TIPOLOGIK IZLANISHLAR VA
ADABIYOTSHUNOSLIK MUAMMOLARI**

MATERIALLAR TO‘PLAMI

XIV

**“Durdona” nashriyoti
Buxoro – 2023**

MATERIALLAR TO'PLAMI

XIV

Kodirova Holida Khayriddin kizi. The concept of false speech acts in pragmalinguistics	125
Н.Н. Хайруллоева. АҚШ ёзувчиси Мери Элис Монронинг “Вақт-дарё”, “Свитграсс” ва “Йуқотишлар ва топишлар ёзи” романларида ЗАМОН ВА МАКОН ИНЪИКОСИ.	128
Azimova Muazzam Azamboevna. Types of language nomination	133
Саломова М.З. Коммуникативное обучение иностранному языку и его практическая значимость	136
Salomova Malika Zohirovna. O'qitishning innovatsion va samarali shakli yoxud masofaviy ta'lim istiqbollari	138
Шарипова Ф.Н. Современные технологии в обучении иностранному языку.....	141
Sharipova F.N. Productive ways of speaking skills development	144
Shoyimqulova M.Sh. Chet tili darslarida interfaol uslublardan foydalanishning ahamiyati.....	146
Шойимкулова М.Ш. Цели обучения второму иностранному языку. коммуникативная компетенция	149
Kazakova D.G. Darslarda "interfaol metodlardan foydalanishning ahamiyati"	152
Казакова Д.Г. Преимущества и недостатки использования компьютерных технологий в обучении.....	154
Ruziyeva Nafisa Zarifovna. Taboo and euphemisms.....	157
Navruzova N.H. Connotation and its functions	160
Rahmatova M.M., Yarasheva Marjona. The use of the cefr in higher education	162
Zulfizar Khudoyberdievna Saidova. Linguo-culturological analysis of phraseological units in the uzbek and russian and english languages.....	166
S.S.Kurbanov. Franz Kafka ijodida oilaviy munosabatlar.....	169
I.I.Akramov, Aphorism as a way recognition	172
Ruzieva Saodat Hasanovna. Postmodernism and history of its penetration into english literature	177
Ziyodillaeva Makhbuba Ermatovna. A number of hypotheses on the emergence of vocal language and types of communication during the primitive tribal period	180
Nasriyeva Guzal Zulfiddin Kizi, Sociological method in literature	186
Tasheva Nafisa Zayniddinovna. The image of the ruler of the east in the work of Christopher Marlow	189
Murodova E`tibor. Somatik birikmalarning o`ziga xos xususiyatlari.....	194
Fayzrakhmanova Zarina Ildarovna. Analysis of body part idioms of non-related languages.....	197

2. *Giese, B.* (1992): Untersuchungen zur sprachlichen Täuschung/ Bettina Giese. -Tübingen: Niemeyer, (Reihe germanistische Linguistik 129), 1992. 187 S.
3. *Heringer, H.J.* (1994): Gricesche Maximen und Interkulturelle Kommunikation// Sprache und Literatur 74. S. 40-49.
4. *Hundsnurscher, F.* (1994): Dialog-Typologie/ Franz Hundsnurscher. In: Handbuch der Dialoganalyse/ Gerd Fritz, Franz Hundsnurscher (Hrsg.). - Tübingen: Niemeyer, 1994. S. 203-238 (576 S.)
5. *Meibauer, J.* (2005a): Pragmatik: eine Einführung/ Jörg Meibauer. - Tübingen: Stauffenburg-Verlag, 2005. 180 S.
6. *Арутюнова, Н.Д.* Лингвистические проблемы референции [Текст] / Н.Д. Арутюнова // Новое в зарубежной лингвистике. - Вып. 13. Логика и лингвистика. -М.: Изд-во Радуга, 1982. - С. 5-39.
7. *Бюлер, К.* Теория языка. Репрезентативная функция языка [Текст] / К. Бюлер. Пер. с нем. -М.: Издательская группа «Прогресс», 2001. - 528 с.
8. *Вежбицкая, А.* Сопоставление культур через посредство лексики и прагматики [Текст] / А. Вежбицкая / Пер. с англ. А.Д. Шмелёва. - М.: Языки славянской культуры, 2001. - 272 с.
9. *Гладких, Н.В.* Ложь и двусмысленность / Н.В. Гладких [Электронный ресурс] /2001/ - Режим доступа: <http://econom.nsc.ru/eco/arhiv/> [Дата обращения: 12.11.2005]
10. *Гойхман, О.Я., Надеина, Т.М.* Речевая коммуникация [Текст] / О.Я. Гойхман, Т.М. Надеина. - М.: ИНФРА-М, 2007. - 272 с
11. *Ленец, А.В., Петрова, Е.И.* Эффект «обманутого ожидания» с позиции прагмалингвистики (на примере журнальных заголовков) [Текст] / А.В. Ленец, Е.И. Петрова // Научная мысль Кавказа. 2009. - № 1, - С. 50-59.

Н.Н. Хайруллоева,

Бухоро давлат университети

Инглиз тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси

**АҚШ ЁЗУВЧИСИ МЕРИ ЭЛИС МОНРОНИНГ “ВАҚТ-
ДАРЁ”, “СВИТГРАСС” ВА “ЙУҚОТИШЛАР ВА
ТОПИШЛАР ЁЗИ” РОМАНЛАРИДА ЗАМОН ВА МАКОН
ИНЪИКОСИ**

Аннотация. Ушбу мақолада макон ва замон ёзувчининг тасвирлаш борасидаги баъзи қийинчиликларини энгиллаштириши ва диққатни

ҳикоянинг сюжети ва қаҳрамонларига қаратишга имкон бериши тўғрисида сўз юритилган. Мери Элис Монро асарлари энвайренментал характерга эга бўлганлиги сабабли муаллиф ўз асарларида асосан орол, соҳил бўйи, тоғ, ҳосилдор плантация, каби ёввойи табиат муҳити мужассамлашган реал жойларни макон сифатида моҳирона тасвирлагани таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эко-макон, антогонист, бадий ғоя, макон ва замон, эко-мотивлар

Макон ва замон(Setting) - бу ҳикоя муаллифига унинг содир бўлган вақтини, жойини ва муҳитини аниқлаш имконини берадиган адабий воситадир. Бу ҳикоянинг муҳим элементи, чунки макон ва замон ўқувчига воқеалар қачон ва қаерда содир бўлишини кўрсатади. Адабий асарларда муайян жуғрофий жойларга қўшимча равишда муҳитнинг маълум турлари кўпинча макон сифатида ишлатилади. Ҳикоя ёки ҳикояни таниқли муҳитда қўйиш орқали ёзувчи ўқувчи ўша муҳитнинг хусусиятлари, масалан, ер, иқлим, маданият ва бошқалар ҳақида умумий тушунчага эга бўлишига нисбатан ишонч ҳосил қилиши мумкин. Бу ёзувчининг тасвирлаш борасидаги баъзи қийинчиликларини енгиллаштириши ва диққатни ҳикоянинг сюжети ва қаҳрамонларига қаратишга имкон беради.

Адабиётда макон сифатида тез-тез ишлатиладиган экологик маконларнинг баъзи умумий мисоллари:пляж,тоғлар, текисликлар, чўл,орол, космик фазо, шаҳар, кишлок, ўрмон, кишлок жой, Жанубий плантация, денгиздаги кема ва бошқалардир.

Мери Элис Монро асарлари энвайренментал характерга эга бўлганлиги сабабли муаллиф ўз асарларида асосан орол, соҳил бўйи, тоғ, ҳосилдор плантация, каби ёввойи табиат муҳити мужассамлашган реал жойларни макон сифатида танлайди. Жанубий Каролинанинг тарихий Чарлестон шаҳри ва унинг яқинидаги Палмалар ороли – “Beach House Series” туркумига кирувчи 7 та романи учун ҳам асар воқеалари ривожда бетакрор макон сифатида танланган.

Монро асарларидамакон ва замон инъикосини қуйидаги 5 та вазифада учратишимиз мумкин:

1. Макон ва замон воқеалар учун одатий кўринишдир. Макон ва замон бадий адабиётда муҳим элемент бўлиб хизмат қиладими ёки у шунчаки декоратив ва функциясиз фон сифатида мавжудми ёки йўқлигини билиш учун биз ўзимиздан сўрашимиз керак: асарни бошқа вақтда ва бошқа жойда муҳим зарар этказмасдан қўйиш мумкинми? Агар жавоб “ҳа” бўлса, ундамакон тасвири

декоратив фон сифатида хизмат қилади, дейиш мумкин. Монронинг “The Summer of Lost and Found” асарида воқеалар пандемия даврида содир бўлади. Ишсизлик ва пандемия давридаги «уйда қолинг» шиори остидаги кўчага чиқмаслик мажбурияти сабабли Линеа ва Анна соҳилдаги уйда бир неча ой бирга яшашларига тўғри келади.

Three days later, the weather shifted again. A blustery wind rattled the windows, sending the palm fronds scratching at the windows. Both she and Anna had retired to their rooms after an early dinner of comforting lentil soup, Gouda cheese, and chunks of sourdough bread.¹

Ушбу парчада соҳилдаги уйда одатий кундалик яшаш тарзининг тасвири берилган ва унда ҳеч қандай бадиий мақсад кўзланмаганлигини кузатишимиз мумкин.

2. Макон ва замон маълум муҳит ёки ҳолатни мувофиқ ифодаловчи воситадир. Кўпгина муаллифлар ўзларининг макон тасвири орқали ўқувчиларнинг умидларини уйғотиш ва келажакдаги воқеалар учун тегишли руҳий ҳолатни ўрнатиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Монро ҳам “Time is a river” романида Миа Ланданнинг “Watkins Cove” даги кулбада яшашни бошлаганда уни ўраб турган барча нарса кўрқинчли туюлади:

Outside the wind continued to blow and the hovering trees scraped their branches against the glass, like bony fingers tapping to get in. Her mind started playing tricks on her and she wondered wildly if that tapping wasn’t a tree, but a bear...or a man? ... Three eerie, mournful hoots of an owl broke the silence, ending with a catlike snarl.²

3. Макон ва замон қахрамоннинг мақсадлари ёки воқеалар ривожини бир зайлда амалга ошиши учун тўсиқдир.

Адибанинг асарларида макон ва замоннинг антогонист сифатидаги кўриниши қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- “Time is a river” романида бош қахрамон Миа Ланданнинг “Watkins Cove” даги кулбада яшашни бошлаганда “*creaking floor, old wood stove, rustling hoots and snaps outside, the wind gusted, windows rattled, cobwebbed and filthy cabin*” каби сифатлашлар орқали тасвирланган кулбанинг кимсасизлиги ва ташқаридаги ваҳимали об-ҳаво Мианинг тоғда яшаш қарори олдида иккиланишига сабабчи бўлади.

- “The Summer of Lost and Found” романида Линеа Ратледж пандемия давридаги муҳит ва ўзининг вақтинчалик ишсизлиги (“*The aquarium was closing its doors to the public because of the pandemic*”³) уддабурон

¹ Monroe M.A. The Summer of Lost and Found.—New York: Gallery books, 2021.—p.96

² Monroe M.A. Time is a river.—New York: Pocket books, 2008.—p.24

³ Monroe M.A. The Summer of Lost and Found.—New York: Gallery books, 2021.—p.8

ва янгиликларга интилувчи Линеа образини ҳам тушкунликка (*"bidding teary fairywells to her fellows"*)¹ туширади.

4. Қахрамоннинг ички дунёсини намоён қилиш усулидир. Асардаги макон ва замон мутаносиблиги кўпинча қахрамонларнинг шахсияти ва тақдирини шакллантиради: инсонларнинг улар қандай сифатларга эга бўлишига бевосита сабабчи бўлади. Шаҳар ичидаги кичик ва шинам уйда ўсган одам кенг қишлоқ жойларида, табиат билан яқин алоқада ўсган кишидан кўра ҳаётга бошқача қараш ва ёндашувга эга бўлиши мумкин. Ҳикоялар баъзан бизга ўз муҳитининг бевосита маҳсулоти бўлган, унинг кайфияти ва қадриятларини акс эттирувчи қахрамонларни кўрсатади. Бироқ, кўпинча, ҳикоялар ўзларининг чекловчи макон ва замон муҳитига қарши исён кўрсатадиган ва бўғувчи муҳитдан халос бўлиш учун курашадиган қахрамонларни тасвирлайди. Мери Элис Монро ҳам романларида қандай қилиб қахрамоннинг ички дунёсини очиқ бериш учун реал маконни рамзий равишда ифода этиш услубини кўрсатади.

Монронинг *"Time is a river"* асарида асар протагонисти Миа Ландан энди яшашни бошлаётган Веткинс Милдаги кулбадан топган сандиқда кимсасиз кулбанинг асл эгасига тегишли қимматбаҳо буюмлар тасвири: *"priceless china plate hand painted with a different wildflower"*, *"heavy sterling silver tableware, each piece engraved with a bold KW"*, *"vintage evening gown of royal blue taffeta"*, *"white silk scarf"*, *"two bamboo fishing rods"* ²кабиларни келтириш орқали уй эгасининг насл-насаби аслзода оилага бориб тақалишига ишора қилади. Муаллиф романдаги Кейт Веткинс образининг портретини тўғридан-тўғри китобхонга етказмайди, балки асарда келтирилган Кейт Веткинсга тегишли хатлар ва унинг балиқ овлашга доир қимматли тавсиялари жамланган шахсий кундалиги ва архивдан топилган эски газеталардаги хабарлар ва янгиликлар орқали Кейтнинг ташқи кўриниши ва ички характери тўғрисида китобхоннинг ўзи хулоса чиқаради.

5. Макон ва замон ёзувчи учун асарнинг асосий ғоясини илгари суриш услубидир. Адабий асарда муаллиф томонидан макон ва муҳитнинг моҳирона қўлланилиши роман ёки қисқа ҳикоянинг мавзусига урғу бериши мумкин, унда ҳаракат содир бўлган жисмоний муҳит асарнинг марказий ғояларини рамзий равишда ифодалаши мумкин. Монронинг деярли барча табиатга йўналтирилган романларида **инсоннинг табиат билан уйғунлиги** бош мавзу

¹ Ўша манба, 8 б.

² Monroe M.A. Time is a river.—New York: Pocket books, 2008.—p.51

сифатида ифодаланади. Хусусан, “Time is a river” асарида ҳам асар протагонисти Миа Ланданнинг Чарлестондаги машаққатли турмуш тарзи, тиббий ташвишлар, ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳисоб-китоблар, касалхоналарнинг ҳиди, машиналарнинг шовқини, одамларнинг эзилиши, хиёнат ва хафагарчиликдан узокда тоғ ва дарё қўйнидаги ёввойи табиат тасвири орқали табиатнинг инсонга мўжизавий ва шифобахш таъсирини китобхонга моҳирона етказишга муваффақ бўлади.

She heard the melody of water over rocks and felt the movement of the river swirl around her legs, nudging her in its current. Lifting her gaze, she watched how the river captured the light and held it, shimmering on the surface. The colors of the river changed depending on the water’s depth and movement. In the deep pockets the still, shadowed water was the color of green tea. The shallow water rushing over pebbles with noisy splashes sparkled in the sunlight like shards of crystal. Mia felt the colors of the river seep into her skin to race in her veins.¹

Ушбу парчада Миа дарёнинг ҳаракатини оёқлари атрофида айланиб, уни оқимига тортаётганини ҳис қилаётганини ва дарёнинг ёруғликни қандай акс эттириб, юзада милтиллаганини, дарёнинг ранги сувнинг чуқурлиги ва ҳаракатига қараб ўзгаришини, шовқинли чайқалишлар билан тошлар устидан оқиб ўтаётган саёз сув қуёш нурида биллур парчалари каби порлаётганини кузатиб турган вақтда, Миа дарё ранглари унинг томирларига ва терисига сингиб кетганини ҳис қилгани тасвирланади.

Шунингдек, “The Summer of Lost and Found” асарида муаллиф пандемия давридаги муҳитни бериш мақсадида ўша вақтдаги бўш кўчалар, оммавий дам олиш ва овқатланиш масканларининг кимсасизлиги қаламга олинади:

«The long-awaited warm weather returned. Despite the sunshine, however, the pandemic worries and fears hovered over the lowcountry, as they did the world. It was strange not to participate in Easter church services, neighborhood egg hunts, or spring breaks. April was the beginning of the peak wedding season, and Charleston and its surrounding plantations and beaches were the top wedding destinations in the county. Yet this year the spring weddings were canceled, shops were closed, restaurants were shuttered, and few people ventured from their homes.

Ёки М.А.Монро “Sweetgrass” романида учрайдиган қўйидаги парча урбанизациялаштаётган чўл худудидаги янги иншоотларнинг кад кўтариши оқибатида ёввойи жониворларнинг уйсиз қолаётганини

¹ Monroe M.A. Time is a river.—New York: Pocket books, 2008.—p.58

таъкидлаш учун хизмат қилади: *The lizards, snakes and few birds of prey that survived in this area were compelled to fight fiercely for the scarce bits of habitat.*¹

Ёзувчининг мақсади ҳақиқий ҳикоялар дунёсини яратишдир. Буни муваффақиятли амалга ошириш учун ёзувчи сизнинг ҳикоялар оламининг пойдевори ўрнатилаётганини унутмаслиги керак. Асардаги бадиий макон ва замон таҳлили муҳим рол ўйнайди, чунки тўғри бажарилганда, у ҳикоя чизиғини, қахрамонларни, мавзуларни ва ҳатто романнинг кайфиятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Monroe M.A. *The Summer of Lost and Found*.—New York: Gallery books, 2021.—p.255
2. Monroe M.A. *Time is a river*.—New York: Pocket books, 2008.—p.372
3. Monroe M.A. *Sweetgrass*. — Canada: Mira Books, 2005.—p.272
4. Хаурulloева, N. (2021). Eco-Fiction and MA Monroe//Центр научных публикаций (buxdu. uz), 8(8)
5. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8401

Azimova Muazzam Azamboevna

**Bukhara Engineering Technological Institute,
The department of “Foreign Languages“.**

TYPES OF LANGUAGE NOMINATION

This analysis is aimed at studying the semantic and stylistic properties that are socially determined by the NB in the language system, the peculiarities of their functioning in the artistic text. One of the conclusions of our study of the linguistic material obtained as a result of the analysis is that socially determined NB are mostly stylistically labeled. This conclusion has a theoretical justification and confirms the thesis put forward in many papers on the interaction of sociolinguistics and stylistics.

Types of Nomination There has never been much attention paid to the interrelationship of derivation, compounding, collocation and polysemy across languages, these being the standard linguistic names used for processes and their results of various types of language nomination. While the first three, being of a formal nature, have been mentioned above and have to be examined separately, their obvious semantic counterpart, polysemy, is common to all. In the sixties, S. Ullmann [Ullmann 1966,

¹ Monroe M.A. *Sweetgrass*. — Canada: Mira Books, 2005.—p.155